

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.15003524>

## АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАЪНАВИЯТИ

Сатторова Д.Ғ

ТДСИ Ижтимоий фанлар биоэтика курси билан

Кафедраси, ф.ф.н.доцент

Амир Темур — буюк шахс: кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, талантли меъмор, нотик, руҳшунос, шу билан бирга, эл-юртини севган ва уни машҳури жаҳон қилган инсон. У Буюк инсоннинг муракқаб ва ташвишлар билан тўлиб-тошган ҳаёти ва фаолиятини кичик бир мақолада, ҳатто жуда қисқа ва умумий тарзда бўлса-да, баён қилиб бўлмайди. Амир Темурнинг тарихи кўп жилдик китоблар ёзишга арзиди. Лекин минг афсуски, бизлар — буюк амирнинг ватандошлари, бу ишни ҳозиргacha эплолмадик. Тўғриси, буни қилиш имконига эга бўлмадик, чунки кўхна тарихимиз, улуғ ота-боболаримиз ҳақида бизларни чурқ эттирмай қўйган коммунистик ғоя бунга йўл бермади. Амир Темурнинг ўзи эса таҳқирланди, тухмату маломатларга қолди. Ваҳоланки, Англия, Франция, Германия, Америка Кўшма Штатларидағи ҳамкасларимиз унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлиб жуда кўп кўламдор китоблар ёзиб, ўз тилларида чоп этдилар. Англиялик шарқшунос олима Ҳильда Ҳукҳэм, германиялик Ганс Роберт Рёмер, француз Жан Поль Рокс, америкалик Жон Вудс ва Беатриса Манс шулар жумласидан. Хорижлик драматург ва артистлар ўз театрларининг сахналарида Амир Темурнинг ёрқин образини яратдилар. Франциялик ҳайкалтарошлар унинг ҳайкалини олтиндан қуийб, музейларда намойиш қилдилар. Биз-чи?..Хар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни яхши англаган соҳибқирон ҳокимиётга келиши билан чиқарган дастлабки

фармонларини мадрасалар барпо этишга, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан бошлаган. қайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин Амир Темур аввало ўша ерлик олиму-фозиллар билан учрашар, улар билан сухбат қуарар, турли мавзуларда баҳслашар эди.

Амир Темурнинг маънавий-маърифий қарашлари унинг ўз фарзандлари, набиралари, тахт ворисларига қолдирган ўгитлари «Темур тузуклари»да мужассамлашган. Бу бебаҳо тарихий асарда, ҳокимлар ва вазирларнинг вазифалари, ўз ишига муносабати, аҳоли турли қатлами, раиятнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, сипоҳларга муносабат каби ҳаёти маънавий-ахлоқий қонун-қоидаларда ўз ифодасини топган.

Бир неча кун йўл юриб, ниҳоят Башаруй шаҳрига етдик. Бу шаҳарнинг таърифини аввал қўп эшитганман. Уни кўпдан кўриш орзусида эдим. Ўша куни орзайимдаги шағар билан юзма – юз турадим – шукур! Ҳаёлимда бир чарх уради: “Бу шаҳарнинг барча фуқаролари олим эмиш – шу гап ростмикин?”. Шаҳар остонаяга етканимда, қаршимдан келаётган одамларга кўзим тушди: барчаси пою- пиёда келишмоқда эди. Маълум бўлдики, уларнинг барчаси ўша шаҳар фуқаролари, тўғрироғи шаҳарнинг юқори доира вакиллари бўлиб, мени қаршилаб чиқишган экан. Бироқ у кишилар яқинлашгач, уларнинг юқори доирага алоқалари йўқлиги айён бўлди. Улар шу туришда қўпроқ дехқонларга ўхшаб кетарди. Енгилларидаги камзуллари қалин, қўпол матодан, ранги яшил эди. Ҳаво совук бўлишига қарамай, камзул устидан биргина жун нимча кийишган эди, холос. Ҳаммасининг бошида хуросонликларнинг ягона бош кийими - дастор. Улар тўғри келиб, менинг қаршимга тўхташди ва улардан бири, кўринишидан улардан энг каттаси мана бу мазмундаги шеърни ўқиди.

*“Эй, Амир Темур, қуёш, ой ва коинотнинг сарвари,  
Сенинг амирнинг бўлмаса, улар жойдан жилмас.  
Хуши келибсан Башаруйга, биз шаҳарнинг одамлари,  
Боримизни багишилаб сени меҳмон қиласиз!..”*

У шеърини тутатгач, ундан: “Бу шаҳарнинг амири ким?” – сўрадим. Қария бу шаҳарда амир йўқлигини айтдим. Мен таажжубландим: “Шундай ҳам бўлиши мумкинми, шаҳарда амир бўлмаса, тартиб ва хавфсизлик ишларига ким масъул? ёки шариат аҳкомларига ва дунёвий конун – қоидаларга риоя этилишини ким назорат қиласди?” Қария деди: “Эй улуғ ҳукмдор! Бизнинг шахримизда ҳақиқатдан ҳам амир йўқ, ҳеч қачон бўлмаган ҳам. Шариат конунларига риоя этишга ҳам, дунёкий масалаларни ечишга ҳам ўзимиз масъулмиз!”.

Мен сизнинг юртингиз ҳақида кўп ажобтовур сухбатларни эшитган эдим, бироқ энг ажабланарлиси сизларнинг амирсиз юртда яшаётганингиз, - дедим уларга. Эй улуғ ҳукмдор, шундай бўлса ҳам, юртимизга марҳабо! Амирсиз яшаётган халқимизнинг турмушини бир кўр! – деб у мени шаҳарга таклиф этди. Башаруйга қадам босар эканман, шаҳар дарвозасининг бошқа дарвозалардан анчайин энли экани эътиборимни тортди. Хатто Самарқандда ҳам шаҳар дарвозаси бу қадар энли эмас эди. Мен бу қишлоқнинг энг кексаси, шаҳар бўйлаб менга ҳамроҳлик қиласидиган кишидан бу одамлар қандай машғулот билан банд эканликларини сўрадим ундан.

-Чунки бизда қўй боқиш учун ўтлоқлар йўқ – деб жавоб қилди. Шунинг учун эчки боқиш учун ҳам қулай ҳам фойдали. Ундан жун ва сут оламиз. Шундан сўнг мен ниҳоят ҳамроҳимни исми – шариfini сўрадим. У ўзини Ҳасан бин Исҳоқ деб таништириди. Унинг шаҳарда қандай вазифада экани билан қизиқдим. У шаҳарнинг имоми эканини, ибодат маҳали пеш намоз бўлишини, фуқаролар ўртасида чиқиб турадиган майда – чуйда келишмовчиликларга ҳакамлик қилишини сўзлаб берди.

Хуллас, бажарилиши шарт бўлган тадбирларнинг таърифидан ва зикридан сўнг шуни таъкидлаш лозимки қатъийлик, сабр, чидамлилик, соғлигу сергаклик, эҳтиёткорлик ва шижаот билан барча ишлар амалга оширилур. Амир Темур салтанатида умуминсоний қадрятларга асосланган, сиёсий тизимда янгича, мустахкам, ўз даврида мавжуд бўлган турли бошқарув анъаналарининг

мақбул жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган, ҳамда уларга муҳим ижобий ўзгартиришлар киритилган давлатчилик асослари барпо этилган, деган хуносага келишимиз мумкин.

### **Адабиётлар.**

1. Бўриев О. Амир Темур аждодлари. Т.: Қомуслар
2. Марсель Б. Менким, сохибқирон – Жаҳонгир Темур. Т.: Янги аср авлоди.2014